

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

**Бутунов Шаймардан Бердиёрович**

Қарши Муҳандислик Иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

### Аннотация

Молиявий ҳисоботни аудиторлик теширувидан ўтказишда халқаро стандартларни қўллаш хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботнинг ишончилигини баҳолашда аудит амалларини қўллаш ва уни такомиллаштириш орқали аудиторлик текширувларининг иш сифатини максималлаштириш, аудиторлик фаолияти рейтингини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Молиявий ҳисобот, аудиторлик тешируви, тест усули, аудиторлик далиллари, ички назорат.

### 1. Кириш

Ҳозирги ривожланиш даврда аудиторлар фаолият натижалари бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган турли хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини баҳолаш усулларида замонавий ёндашувлар жуда зарур. Ушбу муаммолар юзасидан аудиторлик сифатини яхшилашда молиявий ҳисобот аудитини ташкил этиш ва ўтказиш аудиторлик фаолиятида муҳим бурилиш ясаши лозим.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Биз аввало иқтисодиётни ислох қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштиришимиз керак. Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим».<sup>1</sup>

Бугунги кунда молиявий ҳисобот аудитини ташкил этиш ва ўтказишда аудиторлик амалларини қўллаш борасида муаммолар мавжуд. Бу айниқса, аудиторлик далилларини йиғиш жараёнида кўзга ташланади. Текширувлар амалиётида аудит амалларини қўллашни такомиллаштириш аудит иши самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. 14-бет.

## 2. Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Молиявий ҳисоботни аудиторлик теширувидан ўтказишда халқаро стандартларни қўллаш масаласи кўпчиллик олимлар томонидан ўрганилган.

Кўзиев И.Н. фикрича аудитор молиявий ҳисоботнинг муҳим тасдиғи юзасидан жиддий шубҳаланган тақдирда, у бундай шубҳани бартараф этиш учун етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларни олишга ҳаракат қилади. Агар аудитор етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини ололмаса, аудитор ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки билдиришдан воз кечиши лозим<sup>2</sup>.

“Баҳоланган рискларга жавобан аудиторнинг ҳаракатлари” номли №330 АХСда<sup>3</sup> аудиторлик далилларни тўплашда халқаро амалиётда тест усулини қўллаш ижобий самара беради. Чунки тест усули орқали олинадиган маълумотларни оператив таҳлил қилиш имконини беради. Аудитнинг халқаро стандарти бўйича тест усулини - “далилларни тасдиқлаш мақсадида назорат самарасини ўз ичига олувчи рискни баҳолашда ёки моҳиятан текшириш натижасида маълумотларнинг етарли бўлмаган ҳолатида фойдаланиш тавсия этилади”.

## 3. Тадқиқот методологияси

Молиявий ҳисоботни аудиторлик теширувидан ўтказишда халқаро стандартларни қўллаш корхоналар молиявий ҳисоботларини тасдиқлаш ва баҳолаш, молиявий ҳисобот аудитини ташкил этиш ва ўтказишни режалаштириш, молиявий ҳисобот аудитини ташкил этиш ва ўтказишда аудиторлик далилларини тўплаш, молиявий ҳисобот элементларини аудиторлик текширувидан ўтказиш ва баҳолашни ўрганиш, молиявий ҳисоботни аудиторлик теширувидан ўтказишда халқаро стандартларни қўллашни татбиқ этиш, молиявий ҳисобот аудити натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш усуллари қўлланилди.

## 4. Таҳлиллар ва асосий натижалар

Ҳозирда аудиторлик фаолиятида кўрсатилаётган аудиторлик хизматлари сифати жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

«Аудит хизмати сифатининг назорати» халқаро стандарти халқаро бухгалтерлар федерацияси доирасида фаолият юритаётган халқаро аудиторлик қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. У аудит стандартлари тизимининг «Вазифалар» бўлимига 220-рақам билан киритилган. Шунга асосан аксарият аудиторлик ташкилотлари стандартлардан кенг фойдаланмоқда ва текшириш ўтказиш учун шартнома, аудит битимлари тузишда шу стандартга асосланмоқда.

Халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида, шунингдек, уни Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятига татбиқ қилиш сабабли миллий ва халқаро стандартлар (аудит сифатини назорат қилишга бағишланган стандартлар)нинг талабларини қиёслаш жуда муҳимдир. Буни жадвал шаклида қиёслаймиз, унда аудитнинг миллий стандарти қоидалари ва халқаро стандартнинг шунга мувофиқ қоидалари келтирилган:

### Миллий ва халқаро стандартларнинг қиёсий таҳлили

Стандарт қоидалари	Аудиторлик фаолиятининг қоидалари.
--------------------	------------------------------------

<sup>2</sup> Кўзиев И.Н. Audit of financial reports, based on international accounting standards. // European Journal of Business and Economics, -Чехия Республикаси, 2011. №2–46 б.

<sup>3</sup> Сборник международных стандартов аудита, выражения уверенности этики. №330 МСА, МФБ. 2006 г. стр.322

	<b>АФМС</b>	<b>АХС</b>
<b>Стандартнинг мақсади</b>	Аудиторлик фирмаларининг ишлари аудиторлик фаолияти қоидаларига мос келиши учун мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган, яъни фирма ичида аудит сифатини назорат қилиш тизимини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига қўйиладиган талабларни аниқлаш	Қуйидагиларга нисбатан сифат назорати бўйича стандартлар ўрнатиш ва тавсияларни тақдим этиш: ➤ Аудиторлик фирмасининг умуман аудиторлик ишига доир сиёсати ва тадбирлари; ➤ Алоҳида аудиторлик текширувини ўтказиш вақтида аудитор ёрдамчилари амалга оширадиган ишларга таалукли тадбирлар
<b>Стандарт вазифалари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ аудитни амалга ошириш давомида аудиторлик ташкилоти ходимларининг вазифаларини тақсимлаш тартибини белгилаш;</li> <li>➤ аудит сифатини назорат қилувчи фирма ички тизими олдига қўйиладиган умумий талабларни белгилаш;</li> <li>➤ аудит ўтказиш пайтида иш сифатини назорат қилиш тартибини белгилаш</li> </ul>	

Жадвалдан кўришиб турибдики, халқаро стандартда у ҳал қиладиган вазифаларнинг рўйхати йўқ. Бироқ бу барча халқаро стандартларга хос хусусиятдир. АФМСга қўйилган ва халқаро стандартда баён қилинган мақсадлар билан бирга ошқора бажаралидиган вазифалардан энг муҳими- аудитни амалга ошириш давомида аудиторлик ташкилотлари ходимларининг бурчларини аниқланишдан иборатдир. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти муддати узок эмаслигини ҳисобга олинса, бундай ташкилий жиҳатларнинг баён қилиниши ўзини тўла оқлайди. Аудиторлик фирмасининг ўзида ишни ташкил этишга оид талаблар халқаро стандартларда ҳам шунингдек, таҳлил қилинаётган стандартда ҳам баён қилинмаган.

Амалга оширилган таҳлил аудиторлик фаолиятининг миллий ва халқаро стандартлари орасида унчалик катта бўлмаган фарқ йўқлигини кўрсатади. Аксинча, кўп қоидалар жуда ўхшашдир. Бу тадқиқ этилган стандартларгагина эмас, бошқа стандартларга ҳам тааллуқлидир. Бинобарин, халқаро стандартлар аудиторлик тадбирларини батафсил баён қилиши ва мисоллар келтирилиши билан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан фарқ қилади. Шу сабабли, халқаро стандартларни ўрганиш сифатли ўтказилган аудитларнинг кўпайишига ва жамоатчилик орасида аудитор касби нуфузининг ортишига кўмаклашади.

Аудиторлик далиллари ҳақида халқаро стандартларда батафсил тўхталиб ўтилган. Аудитнинг халқаро стандартлари – АХС (International Standards of Auditing – ISAS) да стандартлаш

объекти сифатида V – «Аудиторлик далиллари» (500-599) номли махсус бўлим ажратилган. Ушбу бўлим 9 та стандартни ўз ичига олади:

№ 500 – «Аудиторлик далиллари» (Audit Evidence)

№ 510 – «Бирламчи келишувлар – бошланғич қолдиқлар» (Initial Engagements Opening Balances)

№ 520 – Таҳлилий амаллар (Analytical Procedures)

№ 530 – Аудиторлик танлаш (Audit Sampling)

№ 540 – Бухгалтерлик ҳисобида баҳоланадиган қийматлар аудити (Audit of Accounting Estimates)

№ 550 – Боғлиқ томонлар (Related Parties)

№ 560 – Кейинги ҳодисалар (Subsequent Events)

№ 570 – Узлуксиз фаолият (Going Concern)

№ 580 – Раҳбариятнинг билдиргиси (Management Representations)

Ушбу стандартлар аудиторлик фаолиятининг халқаро амалиётида олинадиган далилларнинг етарлилик даражасини ва уларни тўплашга нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайди. Аудитнинг халқаро стандартларида таърифланишича: “Аудиторлик далиллари - бу аудиторлик хулосасига асосланадиган ва аудитор томонидан хулосани шакллантириш жараёнида олинадиган маълумот”<sup>4</sup>.

Моддий активларни текширишда активлар мавжудлигини, лекин албатта, улар қийматига эгалик қилишликни эмас, ишончли аудиторлик далиллари билан таъминлайди. Энди бевосита аудиторлик далилларини олиш мақсадида бажариладиган яна бир муолажани кузатишга урғу бериб ўтсак.

Сўровнома ўтказиш – бу субъект ичида ёки унинг ташқарисида хабардор шахслардан маълумот излаш. Сўровнома ўтказиш учинчи шахсларга йўлланган расмий ёзма сўровнома билан бир қаторда, шунингдек, субъект ичидаги шахслар билан ўтказилган норасмий оғзаки сўровномадан иборат. Сўровномалар бўйича олинган жавоблар аудиторга ундан аввал мавжуд бўлмаган ёки аудиторлик далилларини тасдиқловчи маълумот тақдим этиши мумкин.

Тасдиқлаш – бу ҳисоб ёзувларидаги маълумотларни тасдиқлаш учун сўровнома бўйича жавобларни тақдим этиш. Масалан, аудитор, одатда, дебиторлик қарзлар бўйича тасдиқларни бевосита дебиторларнинг ўзидан олиш учун сўровнома йўллайди.

Ҳисоб – китоб – бу дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувларининг арифметик аниқлигини текшириш ёки мустақил ҳисоб китобларни бажаришдир.

Халқаро амалиётдан маълумки, аудиторлик далилларни тўплашда тест усулини қўллаш ижобий самара беради. Чунки тест усули орқали олинадиган маълумотларни оператив таҳлил қилиш имконини беради. Аудитнинг халқаро стандарти бўйича тест усулини- “далилларни тасдиқлаш мақсадида назорат самарасини ўз ичига олувчи рискни баҳолашда ёки моҳиятан текшириш натижасида маълумотларнинг етарли бўлмаган ҳолатида фойдаланиш тавсия этилади”. Миллий аудиторлик ташкилотларимиз томонидан кўп ҳолларда моҳиятан текшириш амаллари амалга оширилади, биз биламизки бу ҳолат кўп меҳнат талаб қилади.

№330 АХСга мувофиқ назорат тестларини хажмини аниқлашда қуйидаги саволларни кўриб чиқиши лозим:

<sup>4</sup> Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг Кенгаши “Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари тўплами” I қисм 647-663 б 2014 йил

➤ субъект томонидан давр мабойнида назоратни амалга ошириш йўналишлари бўйича ҳажми;

- аудитор назорат самарадорлигига таянганда, аудит даврининг давомийлиги;
- тестлар асосида олиндиган аудиторлик далилларининг кўламини;
- назорат самарадорлиги рискини баҳолашда, аудиторнинг унга таяниш режаси;
- назоратлардан кутилаётган оғишишларга.

Шуларни инобатга олган ҳолда, биз узоқ муддатли активларнинг аудити жараёнида тест усулини қўллаш самарали деб ҳисоблаймиз.

Демак, юқоридагилардан кўришиб турибдики, аудит амалларини қўллаш усулларини такомиллаштириш - аудитнинг халқаро стандартларини миллий стандартларга уйғун тарзда амалга ошириш ҳисобига ҳамда ўз навбатида компаниянинг иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда вужудга келади. Шунингдек, аудиторлик текширувларининг талаб даражасида ташкил этилиши аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишида асосий омил бўлиб ҳисобланади.

## 5. Хулоса ва таклифлар

Юртимизнинг иқтисодий ривожланишида корхоналарнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Сўнгги йилларда уларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифалар амалга оширилди.

Молиявий ҳисоботнинг ишончилигини баҳолашда аудит амалларини такомиллаштиришда қуйидаги турдаги амалларни бажариш лозим.

Халқаро амалиётда ички назоратни ишончилигини баҳолашда турлича ёндашишлар мавжуд бўлиб, аудиторлар томонидан кенг қўлланилади. Биз халқаро стандартлардан фойдаланган ҳолда, молиявий ҳисоботнинг ишончилигини баҳолаш бўйича ички назоратнинг ишончилигини баҳолашда бирламчи баҳолаш, бу аудитни режалаштириш давомида ўрганилса, уларни тасдиқлаш билан боғлиқ жараёнлар аудиторлик далилларини тўплаш жараёнида ўрганилиб тасдиқланиб, охир оқибат аудиторлик ҳисоботида акс топади.

Молиявий ҳисобот аудити бўйича ички назоратни баҳолашда аудитнинг халқаро стандартида ҳам, мамлакатимиз миллий стандартларида ҳам аудитор ўзининг профессионалик мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда баҳолайди деб таъкидланган. Бизнингча бу жараёни баҳолашда агар тест саволномаси орқали ўтказилса, ижобий саволлар миқдорини жами саволнома миқдorigа нисбати орқали ифодаланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда агар:

- ижобий жавоблар миқдори жами жавобларнинг 40-60% оралиғини ташкил этса, унда ички назорат тизими даражаси ўрта деб баҳоланади;
- ижобий жавоблар миқдори 40% дан кам чиқса, унда ички назорат тизими паст деб баҳоланади;
- ижобий жавоблар миқдори 60% дан юқори чиқса, унда ички назорат тизими юқори деб баҳоланади.

Сўнгги йилларда турли хориж аудит компаниялари томонидан аудитни ахборот технологиялари асосида ўтказиш оммалашиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, биз молиявий ҳисобот аудитида қўлланиладиган амалларни ахборот технологиялари асосида ташкил этиш жараёнига, ҳамда улар бўйича маълумотлар базаси қандай шакллантирилиши лозимлиги бўйича ўрганиб чиқдик.

Фикримизча, молиявий ҳисоботнинг ишончилигини баҳолашда аудит амалларини қўллаш



ва уни такомиллаштириш орқали аудиторлик текширувларининг иш сифатини максималлаштириш, аудиторлик фаолияти рейтингини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. 14-бет.
2. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг Кенгаши “Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари тўплами” I қисм 647-663 б 2014 йил
3. Сборник международных стандартов аудита, выражения уверенности этики. №330 МСА, МФБ. 2006 г. стр.322
4. Дўстмуратов Р.Д. «Аудит асослари». Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»-2003. 580 б.
5. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. «Бухгалтерия ҳисоби» Т.: - «Шарқ» 2004
6. Қўзиёев И.Н. Audit of financial reports, based on international accounting standards. // European Journal of Business and Economics, -Чехия Республикаси, 2011. №2–46 б.
7. Хуррамов Азамат Файзуллаевич, Аралов Худоёр Мусақулович, & Маматов Мамажан Ахматжанович (2022). МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (7 (155)), 2-10. doi: 10.34920/EIF/VOL\_2022\_ISSUE\_7\_1
8. Atajanovich Mamatov, A., Fayzullaevich Khurramov, A., Ahmadjonovich Mamatov, M., Davlatkulovich Anarkulov, A., & Khazratkulovich Khasanov, S. (2021, December). Integral Improvement of Economic Safety of the Regions. In *The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems* (pp. 728-732).
9. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
10. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. *Илкогретим Онлайн*, 20 (3).
11. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
12. Alikulov, A. T., Qudratova, M. P., & Xushvaqov, I. M. (2021). Analysis of the Activities of Securities of Commercial Banks at the RSE “Tashkent”. *Middle European Scientific Bulletin*, 18, 327-332.
13. Alisherovich, T. S., & Iskandarovich, R. R. (2021). Prospects for Household Entrepreneurship Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 79-84.
14. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO ‘JALIGIDA AGROKLAsterLARINI BARPO ETISHNING HORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 390-394.
15. Djalilov, R. H. (2021). The role of the cameral tax audit in the tax control of the republic of uzbekistan.
16. ДЖАЛИЛОВ, Р. РОЛЬ ИСТОЧНИКОВ ИНФОРМАЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ. *ECONOMICS*, (3), 42-46.

17. Alisherovich, T. S. (2022). ECONOMIC CONTENT OF HOUSEHOLDS. *Gospodarka i Innowacje.*, 150-155.
18. Alisherovich, T. S., & Isoqovna, A. G. (2022). Organizing Fundamentals of Digital Audit in the International Practice. *Miasto Przyszłości*, 24, 424-426.
19. Бердиев, А. Х. (2020). Использование инноваций в сельском хозяйстве является главным фактором эффективности. *Вестник науки и образования*, (3-2 (81)), 9-14.
20. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Туризм-перспективный сектор экономики Узбекистана. *Economics*, (2 (45)), 14-18.
21. A.J. Musagaliev, & B.T. Shodiev. (2022). Methodological Issues of Location and Effective Use of Wells in Pastures in Uzbekistan . *Partners Universal International Research Journal*, 1(1), 1–5. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6387977>
22. Musagaliev, A. J., & Shodiev, B. T. (2023). Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network. *UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY*, 44(1), 81-87. <https://doi.org/10.56557/upjz/2023/v44i13394>
23. Farmanov, J. Z., Rimboeva, N., & Qaxramonov, F. (2022). MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 1191-1197.
24. Farmanov, J., & Ogabek, S. (2021). The encourages of increasing agriculture economy by the government. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 2477-2479.
25. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & HAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
26. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
27. Бутунов, Ш. Б. (2021). THE IMPACT OF MACROECONOMIC AND BANKING FACTORS ON THE LEVEL OF NON-PERFORMING LOANS: RESULTS FOR THE CIS COUNTRIES. *Economics*, (3 (50)), 33-42.
28. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. *ECONOMICS*, (3), 33-42.
29. Muzaffarova, K., & Abdugarimov, K. (2022). FACTORS INFLUENCING THE FORMATION OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT IN THE REGIONS. *Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture*, 2(5), 278-28
30. Музаффарова, К. З. (2022, December). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ. IN *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 18, pp. 131-134).
31. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
32. Azimova, H. (2019). RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 7.

33. Равшанов А. Д. Абдисалом Дусиёрович, Хасанов Шамсиддин Хафизович, & Алимханова Нигора Алимхановна (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 9-14.
34. Murodova, N. U., Temirova, F. S., Alimkhanova, N. A., Dostova, M. K., & Azimova, K. E. IMPROVING THE CALCULATION OF INVENTORIES OF GOODS IN ACCOUNTING.
35. Жумаева, Г. Ж., Хасанова, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
36. Жумаева, Г. Ж. (2020). ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ХОЗЯЙСТВЕННОГО УЧЕТА И АНАЛИЗА. *Экономика и социум*, (3 (70)), 283-286.
37. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАРНИ АСОСЛАШДА ИННОВАЦИОН ҲИСОБ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
38. Egamberdiyeva, S. R., Qodirov, F. I., & Shopiyev, R. R. (2022). BUXGALTERIYA HISOBINING MILLIY STANDARTLARINI MHXS GA UYG 'UNLASHTIRISH ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 353-358.
39. Аминов Ф.Б. (2023). ЖИЗНЕННЫЙ УРОВЕНЬ НАСЕЛЕНИЯ ПО РЕГИОНАМ УЗБЕКИСТАНА. *Экономика и социум*, (2 (105)), 434-443.
40. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.